

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ**

№ 1-1401-2206/437

2022 йил октябрь ойининг 27 куни Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Б.Алиқулов, ҳайъат судьялари Х.Келдиярова ва А.Холбоевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси К.Каюмовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Н.Уразалиев, судланувчи А.1, А.3 ва уларнинг ҳимоячиси – адвокат М.Джумаева, судланувчи А.2 ва унинг ҳимоячиси С.Абдухакимов, фуқаровий даъвогар А.Хасановнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тойлоқ туман судининг 2022 йил 22 июлдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан судланувчи

А.1 (А.1), 1980 йил 27 январь куни Пахтачи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Пахтачи туман филиали бошлиғи лавозимида ишлайди, оилали, 3 нафар фарзанди бор, Пахтачи тумани “Нурафшон” маҳалласи “Кўкелка” қишлоғи 22-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ–атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган;

А.2 (А.2), 1967 йил 21 март куни Самарқанд туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Самарқанд туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, Самарқанд тумани “Қавала” маҳалласида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ–атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган;

А.3 (А.3), 1970 йил 2 июль куни Нарпай туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Нарпай туман филиали бошлиғи лавозимида ишлайди, оилали, 5 нафар фарзанди бор, Нарпай тумани “Зоир ота” маҳалласи “Тама” қишлоғида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ–



атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчилар А.1 ва А.3нинг ҳимоячиси М.Джумаева, судланувчи А.2 ва унинг ҳимоячиси С.Абдуҳакимовнинг апелляция шикоятларига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

АНИҚЛАДИ:

А.1га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил муддатга “Ўзсувтаъминот” АЖ тизимида моддий ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

А.2га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

А.3га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил муддатга “Ўзсувтаъминот” АЖ тизимида моддий ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Суднинг мазкур ҳукми билан А.Мамедов, О.Тухтаев, Ғ.Исаев ва Б.Останаев ҳам судланган бўлиб, ишнинг уларга оид қисми юзасидан шикоят ёки протест келтирилмаганлиги боис, муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, А.1 “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Пахтачи туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, жамият томонидан тасдиқланган Низом ва лавозим йўриқномаларига кўра, филиал бошлиғи филиалнинг дебитор қарздорликларини ундириш, муддати ўтган дебитор қарздорликни белгиланган тартибда судлар орқали ундириш бўйича масъул ва жавобгар ҳисобланса-да, ўзининг вазифалари ва мажбуриятларини етарли даражада бажармасдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1154-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларнинг пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхона раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 347-сонли Қарори талабларига зид равишда



2021 йил 31 декабрь ҳолатига 13.819 та истеъмолчилар бўйича 4 млрд. 631 млн. сўмлик дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги оқибатида ушбу қарздорликлар бўйича қарздорлик муддатлари ўтиб, давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар етказилишига сабабчи бўлганликда;

А.2 “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Самарқанд туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, жамият томонидан тасдиқланган Низом ва лавозим йўриқномаларига кўра, филиал бошлиғи филиалнинг дебитор қарздорликларини ундириш, муддати ўтган дебитор қарздорликни белгиланган тартибда судлар орқали ундириш бўйича масъул ва жавобгар ҳисобланса-да, ўзининг вазифалари ва мажбуриятларини етарли даражада бажармасдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1154-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларнинг пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхона раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 347-сонли Қарори талабларига зид равишда 2021 йил 31 август ҳолатига 1.181 та истеъмолчилар бўйича 651 млн. 597 минг сўмлик дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги оқибатида ушбу қарздорликлар бўйича қарздорлик муддатлари ўтиб, давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар етказилишига сабабчи бўлганликда;

А.3 “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Нарпай туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, жамият томонидан тасдиқланган Низом ва лавозим йўриқномаларига кўра, филиал бошлиғи филиалнинг дебитор қарздорликларини ундириш, муддати ўтган дебитор қарздорликни белгиланган тартибда судлар орқали ундириш бўйича масъул ва жавобгар ҳисобланса-да, ўзининг вазифалари ва мажбуриятларини етарли даражада бажармасдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1154-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларнинг пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхона раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 347-сонли Қарори талабларига зид равишда 2021 йил 31 декабрь ҳолатига 7,291 та истеъмолчилар бўйича 1 млрд. 401,7 млн. сўмлик дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини



кўрмаганлиги оқибатида ушбу қарздорликлар бўйича қарздорлик муддатлари ўтиб, давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар етказилишига сабабчи бўлганликда айбланган.

Судланувчилар А.1 ва А.3нинг ҳимоячиси М.Джумаеванинг апелляция шикоятда, А.1 ва А.3лар мансабга совуққонлик билан қараш жиноятини содир этишмагани, уларнинг айби далиллар билан исботланмаганлиги, дебитор қарздорликлар ундириш уларни ваколатига кирмаслиги ҳақидаги важлар келтириб, суднинг ҳукмини бекор қилишни ва уларга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиши сўралган.

Судланувчи А.2 ва унинг ҳимоячиси С.Абдухакимовнинг апелляция шикоятда, А.2 асоссиз айблангани, иш бўйича ўтказилган тафтиш хулосаси ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмаслиги, биринчи инстанция суди Р.Одировнинг қилмиши А.2га нисбатан эълон қилинган айбловдан оғирроқ бўлса-да, ишнинг унга оид қисмини тугатиб, А.2ни эса айбли деб топиб, асоссиз тўхтама келганлиги ҳақида важлар келтирилиб, суднинг ҳукмини бекор қилиниши ва А.2га нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиши сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят судининг судьяси Б.Алиқуловнинг маърузасини, прокурор Н.Уразалиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланувчи А.1, А.3нинг ва уларнинг ҳимоячиси М.Джумаева, судланувчи А.2 ва унинг ҳимоячиси С.Абдухакимовнинг шикоятларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятларда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қўйидаги асосларга кўра суд ҳукмининг А.1, А.3 ва А.2ларга оид қисмини ўзгартиришни, шикоятларни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Судланувчилар А.1 ва А.3нинг мансабга совуққонлик билан қараш, мансабдор шахсининг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни лозим даражада бажармаслиги давлат ёки жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлганликда ифодаланган ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликдаги айби, гувоҳлар О.Хасанов, С.Абдуллаев, А.Хасанов, Ф.Абилов ва А.Хужановнинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек жиноят иши ҳужжатларидаги тафтиш далолатномалари ва уларга илова қилинган ҳужжатлар каби жиноят ишида тўпланган объектив далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчилар А.1 ва А.3нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.



Судланувчилар А.1 ва А.3нинг ҳимоячиси М.Джумаеванинг апелляция шикоятдаги, А.1 ва А.3лар мансабга совуққонлик билан қараш жиноятини содир этишмагани, уларнинг айби далиллар билан исботланмаганлиги, дебитор қарздорликлар ундириш уларнинг ваколатига кирмаслиги ҳақидаги важлар билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларнинг пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхона раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 347-сонли Қарорининг 6-бандида, хўжалик юритувчи субъектлар тўлов муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ҳар чоракда ўзаро солиштириб чиқишга мажбур эканлиги, қарзларни ўз вақтида ва тўлиқ солиштириб чиқиш юзасидан шахсан жавобгарлик хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари зиммасига юкланиши;

товар олингандан сўнг 90 кун мобайнида етказиб берилган маҳсулотнинг тўлиқ қиймати хўжалик юритувчи субъект томонидан тўланмаган ҳолларда тартибни бузувчи корхоналарга маҳсулот етказиб бериш илгари берилган маҳсулотнинг барча қиймати олинишига қадар тўхтатиб қўйилиши, бундай корхоналарга кейинчалик маҳсулот бериш тўловнинг аккредитив шакли воситаси билан амалга оширилиши, тартибни бузувчи корхоналарга пайдо бўлган қарзни узишгача бўлган даврда товар етказиб бериш тўхтатилиши учун масъулият маҳсулот етказиб берувчи корхоналар раҳбарлари зиммасига юкланиши;

муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларни ундириш юзасидан чора-тадбирлар кўрмаганлик, шу жумладан иқтисодий судда даъво қўзғатмаганлик маҳсулот етказиб берувчи корхоналарнинг раҳбарларини ва мансабдор шахсларини қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1154-сонли Фармонининг 2-бандида, муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжудлигига йўл қўяётган устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерларига нисбатан жуда қаттиқ маъмурий ва моддий жавобгарлик чоралари, ҳатто жинойий жавобгарликка тортиш чораси қўлланилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 47-моддасида, филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган



алоҳида бўлинмаси эканлиги, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, филиаллар юридик шахс ҳисобланмаслиги, улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланиши ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб бориши, филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланиши ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб бориши белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖнинг янги таҳрирдаги уставига асосан 3.2-бандида, жамиятнинг филиаллар ва ваколатхоналари ҳамда бошқа алоҳида бўлинмалари Низом асосида жамият номидан иш кўриши белгиланган.

“Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Пахтачи ва Нарпай туман филиалларининг жамият томонидан тасдиқланган Низомининг 33-бандида, филиал бошлиғи филиалнинг дебитор қарздорликларини ундириш, муддати ўтган дебитор қарздорликни белгиланган тартибда судлар орқали ундириш бўйича масъул ва жавобгар ҳисобланиши белгиланган.

Шунингдек, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ томонидан 2020 йил 21 декабрь куни Нарпай туман филиали бошлиғи А.3га 01/08-5188/6-сонли, Пахтачи туман филиали бошлиғи А.1га 01/08-5188/10-сонли ишончномалар берилиб, уларга кўра филиал бошлиғи сифатида А.3 ва А.1лар “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ номидан прокуратура, солиқ, божхона, мажбурий ижро бюроси, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари ва бошқа корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда жамиятнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати берилиб, унга кўра филиал бошлиқлари жамиятнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда барча ҳаракатларни амалга ошириш, жумладан қарздорликларни ундириш учун тўпланган ҳужжатларни Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаларига тақдим қилиш, бевосита жамият номидан барча суд ва суд инстанцияларига тегишли ариза ҳамда шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Қонун мазмунига кўра, мансабдор шахснинг ўз ваколатларини бажармаслиги тўла ва қисман бажарилмаслигида ифодаланади ҳамда хизмат лавозимидан келиб чиқадиган муайян вазифаларни бажаришга реал имконияти бўлганидаги ҳаракатсизлигида намоён бўлади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 14 октябрдаги 7SH-01/826-сонли маълумотномасида, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ 2020 йил 4 август кунидан бошлаб Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси аъзоси ҳисобланиб, бунда



филиал палатага қарздор истеъмолчини шахсини ва қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилиши лозимлиги кўрсатилган.

Бундай ҳолда, Нарпай туман филиали бошлиғи А.З ва Пахтачи туман филиали бошлиғи А.1лар истеъмолчиларга етказиб берилган сув таъминоти ҳамда оқава сувни чиқариш хизматлари кўрсатганлик учун муддати ўтиб кетган дебиторлик қарздорликни “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ томонидан берилган ишончнома асосида ундириш чораларини кўриш, хусусан қарздорликларни ундириш учун тўпланган ҳужжатларни Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаларига тақдим қилиш, бевосита жамият номидан барча суд ва суд инстанцияларига тегишли ариза билан мурожаат қилишнинг реал имкониятига эга бўлишган.

Шу боис, судлов ҳайъати судланувчилар А.1 ва А.Знинг ҳимоячиси М.Джумаеванинг шикоятдаги, А.1 ва А.Зларнинг айбсизлиги ҳамда дебитор қарздорликлар ундириш уларнинг ваколатига кирмаслиги ҳақидаги важлари жиноят ишининг фактик ҳолатларига мос келмайди деб эътироф этади ҳамда ушбу важлар жиноят иши ҳужжатларида тўпланган, ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланган, иш учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи маълумотларни акс эттирган ҳамда ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар билан инкор этилади деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчилар А.1 ва А.Зга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақидаги тушунтиришларига, ЖКнинг 7-моддасида белгиланган “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига амал қилиб, унинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, уларга нисбатан ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини, шунингдек жиноятни ўзларининг хизмат вазифаси билан бевосита боғлиқ ҳолда содир этганлигини эътироф этиб, уларга



нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўшимча жазо тариқасида тайинлаб, адолатли, тўғри ва асосли тўхтамга келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

82-моддасида, шахсни айблаш ва ҳукм қилиш учун жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши кераклиги белгиланган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 16-бандида, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги тушунтирилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан судланувчи А.1 “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Пахтачи туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига ҳолатига 13.819 та истеъмолчилар бўйича 4 млрд. 631 млн. сўмлик жуда кўп миқдордаги дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги;

А.3, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Нарпай туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига 7,291 та истеъмолчилар бўйича 1 млрд. 401,7 млн. сўмлик жуда кўп миқдордаги дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги юзасидан айбли деб топишда юқорида қайд этилган процессуал Қонун талаблари ҳамда Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Хусусан, биринчи инстанция суди судланувчи А.1 ва А.3ни суднинг ҳукмида баён қилинган жиноятни содир этганликда айбли



деб топишда ҳамда эълон қилинган айблов доирасида жиноий-ҳуқуқий мезон ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини таснифловчи зарурий белги сифатида зарар миқдорини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқмаган ҳамда ўз ҳукмининг тавсиф қисмида тўлақонли асослантирмаган.

Апелляция инстанцияси мобайнида ўтказилган суд муҳокамаси мобайнида судланувчи А.1 “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Пахтачи туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаш давомида, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига ҳолатига 13.288 та истеъмолчилар бўйича 1 млрд. 666 млн. 278 минг сўм, А.3 “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Нарпай туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига 7.054 та истеъмолчилар бўйича 771 млн. 109 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги аниқланди.

Бу ҳолатда, судлов ҳайъати судланувчи А.1 ва А.3ларга нисбатан эълон қилинган айблов тавсифини юқорида қайд этилган асосларда ўзгартириш лозим бўлади деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши;

ЖПКнинг 112-моддасига мувофиқ, гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши, бу иқрор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкинлиги, гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатуви билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқрор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозимлиги;

153-моддасида, суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувларини, бошқа далилларни, шунингдек иш юзасидан қилинган тусмол, текширилаётган ҳодисага оид муайян



ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказиш орқали текширишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 16-бандида, ЖКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги тушунтирилган.

Бироқ, дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди томонидан А.2ни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми “а” банди билан айбли деб топишда юқорида қайд этилган моддий ва процессуал қонунчилик талаблари ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш ҳолатларига кўра, А.2 “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Самарқанд туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, жамият томонидан тасдиқланган Низом ва лавозим йўриқномаларига кўра, филиал бошлиғи филиалнинг дебитор қарздорликларини ундириш, муддати ўтган дебитор қарздорликни белгиланган тартибда судлар орқали ундириш бўйича масъул ва жавобгар ҳисобланса-да, ўзининг вазибалари ва мажбуриятларини етарли даражада бажармасдан 2021 йил 31 август ҳолатига 1.181 та истеъмолчилар бўйича 651 млн. 597 минг сўмлик дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги оқибатида ушбу қарздорликлар бўйича қарздорлик муддатлари ўтиб, давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар етказилишига сабабчи бўлганликда айбланган.

Фуқаролик кодексининг юқорида қайд этилган 47-моддаси талабига кўра, юридик шахс филиалларнинг раҳбарлари юридик шахснинг ишончномаси асосида иш олиб бориши белгиланган.

Самарқанд вилоят Адлия бошқармасининг 2022 йил 13 октябрдаги 1-1-2/480-сонли мутахассис хулосасида, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖнинг филиаллари тасдиқланган Низом ва ишончнома асосида жамият номидан иш кўриши, ишончнома асосида жамият номидан судларга даъво ариза киритиши мумкинлиги кўрсатилган.

“Самарқанд сув таъминоти” МЧЖнинг 2022 йил 24 октябрдаги 01/14-4334-сонли хатида, 2021 йилда “Самарқанд сув таъминоти”



МЧЖ Самарқанд туман филиалида ишлаган А.2га жамият томонидан ишончнома берилмаганлиги кўрсатилган.

Самарқанд вилоят Адлия бошқармасининг мутахассиси М.Абдуғаниев апелляция инстанциясида, амалдаги қонунчилик талабларига кўра, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ туман филиаллари раҳбарлари фақат жамият томонидан берилган ишончнома асосидагина фаолият юритиши мумкинлиги, жамият томонидан ишончнома тақдим этилмаган ҳолатда жамият номидан иш юритиш ваколатга эга эмасликлари ҳақида кўрсатув берди.

Дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди томонидан А.2нинг мансаб совуққонлиги жиноятини содир этганликда айбли деб топишда, А.2 қайси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат асосида “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Самарқанд туман филиали томонидан истеъмолчиларга етказиб берилган сув таъминоти ҳамда оқава сувни чиқариш хизматлари кўрсатганлик учун муддати ўтиб кетган дебиторлик қарздорликни ундириш чораларини кўриш, қарздорликларни ундириш учун тўпланган ҳужжатларни Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаларига тақдим қилиши мумкинлиги синчковлик билан текширилмаган.

Шунингдек, дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди томонидан А.2га “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ томонидан жамият номидан иш юритиш, дебиторлик қарздорликни ундириш борасида ишончнома тақдим қилинган-қилинмаганлиги аниқланмаган, А.2 жамият томонидан ишончнома берилмаган бир ҳолатда, у қандай ҳуқуқий асосларда бевосита жамият номидан муддати ўтган дебитор қарздорликни ундириш чораларини кўриши мумкинлиги юзасидан ишончга сазовор далиллар тўпланмаган.

Бундай ҳолатда, суднинг ҳукмини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁷-моддасида, апелляция инстанцияси суди жиноят ишини кўриб, иш бўйича тўпланган далиллар судланувчини айбдор деб топиш учун етарли бўлмаса ва қўшимча далилларни тўплаш имконияти қолмаган бўлса, айблов ҳукмини бекор қилиши ва жиноят ишини тугатиши белгиланган.

Судлов ҳайъати, юқоридагиларга кўра, суд ҳукмининг А.1, А.3 ва А.2ларга оид қисмини ўзгартириб:

судланувчи А.1 “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Пахтачи туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига ҳолатига 13.819 та истеъмолчилар бўйича 4 млрд. 631 млн. сўмлик жуда кўп миқдордаги дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги юзасидан айблов тавсифи, А.1 “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Пахтачи туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига



13.288 та истеъмолчилар бўйича 1 млрд. 666 млн. 278 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги мазмунига;

А.3, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Нарпай туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига 7,291 та истеъмолчилар бўйича 1 млрд. 401,7 млн. сўмлик жуда кўп миқдордаги дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги юзасидан айблов тавсифи, А.3, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Нарпай туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига 7.054 та истеъмолчилар бўйича 771 млн. 109 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги мазмунига ўзгартиришни;

А.2га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши бўйича тўпланган далиллар А.2ни айбдор деб топиш учун етарли бўлмаганлиги сабабли, ишнинг унга оид қисми тугатишни, суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдиришни ва апелляция шикоятларини қисман қаноатлантиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁹, 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Тойлоқ туман судининг 2022 йил 22 июндаги ҳукмининг А.1 () , А.2 () ва А.3 () ларга оид қисми ўзгартирилсин.

Судланувчи А.1 “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Пахтачи туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига ҳолатига 13.819 та истеъмолчилар бўйича 4 млрд. 631 млн. сўмлик жуда кўп миқдордаги дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги юзасидан айблов тавсифи, А.1 “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Пахтачи туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига 13.288 та истеъмолчилар бўйича 1 млрд. 666 млн. 278 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги мазмунига;

А.3, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Нарпай туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига 7,291 та истеъмолчилар бўйича 1 млрд. 401,7 млн. сўмлик жуда кўп миқдордаги дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги юзасидан айблов тавсифи, А.3, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Нарпай туман филиали бошлиғи лавозимида ишлаб, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига 7.054 та истеъмолчилар бўйича



771 млн. 109 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги дебитор қарздорликларнинг ундириш чораларини кўрмаганлиги мазмунига ўзгартирилсин.

А.2га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши бўйича тўпланган далиллар А.2ни айбдор деб топиш учун етарли бўлмаганлиги сабабли, ишнинг унга оид қисми тугатилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, судланувчилар А.1 А.3 ва уларнинг ҳимоячиси М.Джумаева, А.2 ва унинг ҳимоячиси С.Абдухакимовнинг апелляция шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:

Б.Алиқулов

Ҳайъат судьялари:

Х.Келдиярова

А.Холбоев

